UzAuto

# КОМПЛАЕНС ТРЕНИНГ



Комплекс текшируви (Due diligence)

Манфаатлар тўқнашуви

Санкциялар ва экспорт назорати

Монополияга қарши курашишда комплаенс тизимининг аҳамияти

# Бизнес Ҳамкор ва Учинчи томонларни комплекс текшириш



# БИЗНЕС ҲАМКОР ВА УЧИНЧИ ТОМОНЛАРНИ КОМПЛЕКС ТЕКШИРИШ

Мақсади:

- Жамият бизнес ҳамкор ва учинчи томонларни (диллерлар, етказиб берувчилар, дистрибюторлар) танлаш;
- Улар билан ишлашда қонунчилик, ҳалқаро нормалар, ички тартиб-қоидалар ва бошқа олинган мажбуриятлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва коррупция, манфаатлар тўқнашуви, фирибгарлик ва молиявий йўқотишлар олдини олиш.




**Амал қилиш соҳаси** - тартиб Жамият томонидан Бизнес ҳамкор ва учинчи томонлар билан шартномавий муносабатларни ўрнатиш ва улар билан ишлаш жараёнида қўлланилади. Комплаенс хизмати Тартибга мувофиқ текширувларни ташкил қилади, ўтказади ва бошқаради.



# Қуйидагилар бўйича комплаенс текшируви (due diligence) ўтказилиши шарт:

- Янги бизнес ҳамкор (етказиб берувчилар, дистрибюторлар, дилерлар) ва учинчи томонни танлашда;
- Бизнес ҳамкор ва учинчи томоннинг таъсисчилари, бенефициарлари, раҳбарияти ва бошқарувчилари ўзгарганда;
- Бизнес ҳамкор ва учинчи томон билан муносабатларнинг моҳияти ўзгарса;
- Бизнес ҳамкор ва учинчи томонлар билан муносабатлар ўрнатилганидан сўнг даврий (ҳар 3 йилда) текширишларда;
- Бизнес ҳамкорлар ва учинчи томонлар, уларнинг бенефициарлари, раҳбарияти, таъсисичилари томонидан комплаенс талаблари, шу жумладан коррупция, фирибгарлик, жиноий даромадларни легаллаштиришларга қарши кураш, санкция ва экспорт назорати талаблари бузилганлиги бўйича ҳолатлар аниқланганда.




Uzauto ўз номидан фаолият юритадиган ҳар қандай учинчи томоннинг хатти-ҳаракатлари учун **ҳам юридик, ҳам молиявий жавобгарликка** тортилиши мумкин.
Учинчи томонлар билан тузилган ҳар қандай келишув — бу нафақат тижорат қарори, балки юридик хавфни бошқариш чораси ҳисобланади.

# Босқичлар

## Due Diligence босқичлари

**Маълумот тўплаш**

расмий ҳужжатлар, очиқ манбалар ва давлат реестри орқали бизнес ҳамкор ва учинчи томон ҳақида дастлабки маълумотлар олинади.

**Ҳуқуқий ва молиявий таҳлил**

бизнес ҳамкор ва учинчи томоннинг рўйхатдан ўтиш ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлари, лисензиялари ва бошқа тегишли ҳужжатлар ўрганилади.

**Бенефициар мулкдорларни аниқлаш**

бизнес ҳамкор ва учинчи томоннинг ҳақиқий (таъсисчи) эгаси (Ultimate Beneficial Owner - UBO) аниқланади

**Коррупция, манфаатлар тўқнашувини ва санкция хавфларини баҳолаш**

бизнес ҳамкор ва учинчи томоннинг коррупцияга мойиллиги ва халқаро санкция рўйхатларида мавжудлиги таҳлил қилинади.

**Қизил байроқ (Red Flag) таҳлили**

хавфли омиллар мавжудлигини баҳолаш ва уларни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш.

**Тасдиқлаш ва доимий мониторинг**

Комплаенс хизмати бизнес ҳамкор ва учинчи томон билан ҳамкорлик қилиш ёки рад этиш бўйича хулосаси ва тавсиялари юзасидан “Скрининг ҳисоботи” (7-илова) Компания раҳбарияти ёки харид комиссия раисига тақдим этилади ва у томонидан якуний қарор қабул қилади.

# Санкция хавфларини келтириб чиқариш сабаблари ва уларни олдини олиш бўйича чоралар

## 01 Санкцияга тушиш сабаблари

- Тақиқланган (санкция остидаги) давлат ёки компаниялар билан шартнома тузиш
- “Қора рўйхат”га тушган етказиб берувчилар
- Оралиқ воситачилар ва суб- етказиб берувчилар орқали яшириш
- Молиявий оқимларнинг аниқ кузатилмаслиги
- Нотўғри ёки етарли даражада ҳужжатлаштирилмаган шартномалар
- Товар ёки хизматларнинг келиб чиқиши (оригин) ва транзити
- Маҳаллий қонунчилик ва халқаро санкция тартибларини билмаслик
- Ноқонуний ёки шаффоф бўлмаган харид жараёни

## 02 Санкцияларни бузиш оқибалари

- Молиявий жарималар ва Молиявий транзакциялар блокланиши
- Халқаро ҳамкорликдан четлаштирилиш
- Суд жараёнлари
- Корпоратив имиджга путур етиши
- Ускуна ва технологиялар етказиб берилишининг тўхташи
- Репутацион зарар

## 03 Хавфларни бошқариш усуллари ва амалий чоралар

- Етказиб берувчиларни **due diligence** орқали текшириш
- “Қора рўйхатлар”ни доимий мониторинг қилиш
- Юридик экспертиза ва комплаенс бўлими назорати
- Шартномаларда санкциялар бўйича махсус бандлар киритиш
- Ҳар бир тендер иштирокчиси бўйича риск-профил яратиш
- Давлат харидларида шаффофликни ошириш
- Ходимларга санкциялар бўйича мунтазам ўқув-тренинглар ўтказиш
- Захира/алтернатив етказиб берувчилар рўйхатини тузиш

# Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси

**Манфаатлар тўқнашуви** — шахснинг шахсий манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

1. **Мавжуд манфаатлар тўқнашуви**
2. **Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви**






Иштирокчилар ўртасидаги **аффилланганлик** холати

**ЎРҚ-684, 42 модда** “иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса **харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиштирилади**”




IP манзил буюртмачига тегишли, **манфаатлар тўқнашуви** холати




**МЖТК $175^8$-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида** масъул шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

# Жавобгарлик

### Интизомий чоралар

коррупцияга қарши чораларни бажармаган ёки хавфли бизнес ҳамкор ва учинчи томонлар билан ҳамкорлик қилган шахсларга нисбатан кўрилади.

### Масъулият

Компания раҳбарияти ёки харид комиссия раиси Комплаенс хизмати томонидан берилган хулосалар ва аниқланган хавфлар бўйича якуний қарор қабул қилинишига масъул.

### Риоя қилиш

Барча бизнес ҳамкор ва учинчи томонлар Сиёсат, Тартиб ва коррупцияга қарши қоидаларга риоя қилишлари шарт.

### Қатъий жавобгарлик

Сиёсат ва Тартиб талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари, уларда ва қонунчиликда белгиланган жавобгарлика олиб келиши мумкин.

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ